

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

МАРДАНОВ ФАРХОД НАРЗУЛЛАЕВИЧ

**ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи (юридик фанлар)

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

УДК: 343.352:37

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

Марданов Фарход Нарзуллаевич

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун
жавобгарликни такомиллаштириш масалалари3-23

Mardanov Farkhod Narzullayevich

Issues of improving responsibility for crimes in the field of land use and
protection.....26-44

Марданов Фарход Нарзуллаевич

Вопросы совершенствования ответственности за преступления при
пользовании и охране земли45-49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works50-52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

МАРДАНОВ ФАРХОД НАРЗУЛЛАЕВИЧ

**ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи (юридик фанлар)

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Yu496 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Хукуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Джонғир Исмоилович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахраров Бахром Джаббарович
юридик фанлар доктори, профессор

Камалова Дилдора Гайратовна
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Хукуқини муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақами бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил ____ куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси 9-үй. Тел.: (998) 71 202-04-96; факс: (998) 71 202-04-96, info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Хукуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (—рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси 42. Тел.: (99871) 202-04-96, info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил ____ куни тарқатилди.
(2024 йил ____даги ____рақами реестр баённомаси).

Б.Х.Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

М.Р.Анорбоев

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг асосий омилларидан бири ер ресурслари ҳисобланади. FAO (БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти) маълумотларига кўра дунё ер фонди 13,4 млрд. га бўлиб, унинг 1,6 млрд. га ёки 11%гина қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга яроқли¹. Бироқ, табиий ва антропоген таъсирлар оқибатида қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг миқдори ва сифати камайиб бормоқда. Ер ресурсларининг бир текисда тақсимланмаганлиги, глобал озиқ-овқат муаммоси, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши каби экологик инқирозлар хавфи ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳаси давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида белгиланишини тақозо қилмоқда. Бунда ер участкаларидан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш, қишлоқ хўжалиги тасарруфидан чиққан ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни жиноят-хуқуқий воситалар билан кўриқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда барқарор ривожланиш мақсадлари (SDG)га эришишда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, мураккаб экологик шароитдаги ҳамда деградацияга учраётган ерларни мониторингини олиб бориш, ер участкаларида антропоген таъсирлар туфайли вужудга келаётган салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларга нисбатан таъсирчан давлат мажбурлов чораларини қўллаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунинг билан бирга, ер участкаларидан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан жиноят-хуқуқий воситалар билан ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги айrim ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда ҳам ер участкаларидан фойдаланиш энг муҳим мулкий ҳуқуқ сифатида кафолатланиши билан бир қаторда ер участкаларига бўлган талабнинг ортиб бориши шароитида бу борадаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, уларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли умунижтимоий мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар, ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг ижтимоий муносабатлардаги аҳамиятини ошириш, ер участкаларни ифлослантириш ёки бузиш, ердан фойдаланиш ёки уларни муҳофаза қилиш шартлари ёхуд талабларини бузиш, сугориладиган ер участкаларни ўзбошимчалик қилиб эгаллашга йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўрмаганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, саноат соҳасида ҳамда қурилишни амалга оширишда ер бериш тартибини бузиш, сугориладиган ер участкаси ёки унинг бир қисмини ғайриқонуний тасарруф этишининг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар олиб борилмоқда. 2022 –

¹ FAO. 2022. The state of the world's land and water resources for food and agriculture (SOLAW) – Managing systems at risk. Food and Agriculture Organization of the United Nations, Rome and Earthscan, London. <https://doi.org/10.4060/cb7654ru>

2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам “тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш, ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш” каби устувор вазифалар назарда тутилганлиги ҳамда 2020 йилда ер сотиш, талон-торож қилишга оид 473 та жиноят иши қўзгатилиб, 543 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Бу даврда 295 нафар мансабдор ер қонунчилигини бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этгани учун жавобгарликка тортилгани, уларнинг 119 нафари ёки 40 фоизини ер кадастри ходимлари ташкил қилганлиги¹, 2023 йил ҳамда 2024 йилнинг сўнгги 7 ойи давомида жами 1475 нафар шахсга нисбатан 1051 та жиноят иши² судлар томонидан кўриб чиқилганлиги ушбу соҳани илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Ер кодекси (1998), “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги (1998), “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги (1998), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (2000), “Экологик назорат тўғрисида”ги (2013), “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014), “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги (2019), “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2021), “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги (2024), “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган хукуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги (2024) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019), “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023) Фармонлари, “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2021) қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация

¹ 2020 йил 1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурада Ер майдонларидан ноқонуний фойдаланиш ва эгаллаб олишнинг олдини олиш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган ийғилиши материаллари.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистик маълумотлари

тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “І. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва уни такомиллаштиришнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек ушбу соҳада прокурор назоратини амалга оширишга оид масалалари Қ.Р.Абдурасурова, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбоев, А.С.Якубов, А.Отажонов, С.Ш.Утемуратова ва М.Т.Абдуҳакимовлар, ерларни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга оид масалалар М.Б.Усмонов, Г.Ш.Узакова, Р.Ҳ.Кенжаев, М.Р.Мирзаабдуллаева ва Дж.И.Сафаров каби эколог-ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Хусусан, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбоев, А.С.Якубов, А.Отажоновлар экология соҳасидаги ва ерлардан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш, С.Ш.Утемуратова экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш, М.Т.Абдуҳакимов ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, Р.Кенжаев эса ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ қилганлар.

МДҲга аъзо мамлакатлар олимларидан Г.Е.Быстров, Б.В.Ерофеев, О.И.Крассов, А.Б.Венгеров, В.Н.Протасов, Н.А.Прохорова, Е.Н.Трубецкой, Г.Ф.Шершеневич, Н.М.Коркунов, А.А.Минаева, Н.В.Карлова, А.Х.Ходжиеев, Ж.Х.Косанов, В.Н.Сидоренко, А.Г.Василенко, Д.С.Бугров, А.Ю.Колов, О.В.Бурлаченко, О.В.Шихалева, М.Н.Гаврилюк, А.В.Калиничев, В.Е.Некрасов, Н.П.Лотникова, Ж.Я.Резник, О.В.Котарева, С.В.Андреев, А.А.Минаева, Г.А.Писарев, Н.А.Алексеева, А.А.Гавва, Н.П.Гришин, Р.А.Савин, Е.Н.Иванова, Ю.Л.Грачкова, О.Г.Авдонина ва бошқалар томонидан ер участкаларидан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий олимлар Г.Винтер, К.Дунер, Л.Кремер, Ж.Нассет, Н.А.Робинсон, Г.В.Ренгелинг, Р.Стейнберг, Д.Хугес, В.Т.Даума ва бошқалар томонидан мавзунинг жиноят-ҳуқуқий ва ер соҳасидаги қонун хужжатларининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган¹.

Мамлакатимизда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари комплек тарзда тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни муҳофаза қилиш Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш муваммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатdir.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тушунчаси ҳамда ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини аниқлаш;

Ўзбекистонда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликка оид қонун нормаларининг ривожланишининг тарихий жиҳатларини ўрганиш;

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятлар объектив ва субъектив белгиларининг назарий-ҳуқуқий таҳлилини амалга ошириш;

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш масалаларини ёритиш;

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартлар ҳамда айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлилини амалга ошириш;

ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларга оид жиноят-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга оид жиноят-ҳуқуқий масалаларини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни амалиётда қўлланиши, ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва амалиёти, мазкур тоифадаги жиноятларга оид суд-тергов амалиёти, шунингдек тадқиқ этилаётган мавзуга доир илмий-доктринал қарашлар, концептуал ёндашувлар ва ғоялар ташкил қиласди.

Тадқиқот усуслари. Тадқиқот ишини амалга оширишда индукция, дедукция, силлогизм каби мантикий услублардан, тарихийлик, компаратив, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, қонун ҳужжатлари талқини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, ижтимоий сўров, жиноят ишларига оид материалларни ўрганиш каби

усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишда ифодаланадиган қилмиш натижасида кўп микдорда заар етказилса жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асослантирилган;

суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, жумладан ер участкасининг эгаллаб олинганлиги тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асослантирилган;

суғориладиган ер участкаларини курилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асослантирилган;

ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ажратиш ҳақидаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини “е-қарор” тизими орқали қабул қилиниши бундай қарор қабул қилишнинг мажбурий шарти ҳисобланиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишда ифодаланадиган қилмиш учун жиноий жавобгарлик бегилашда ижтимоий хавфли оқибатга кўра дифференциация қилиниши лозимлиги, хусусан қилмиш натижасида кўп микдорда заар етказилсагина жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги асослантирилган;

Жиноят кодексининг 197¹-моддаси (суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик)да назарда тутилган рағбатлантирувчи нормани чиқарилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ер бериш тартибини бузганлик (ЖК 229⁴-модда) учун жавобгарликка тортишда жиноят субъекти ёшини 18 ёш этиб белгилаш лозимлиги асосланган;

ер бериш тартибини бузишда ифодаланадиган Жиноят қонунининг 229⁴-моддасида қилмишни жуда кўп микдорда заар етказган ҳолда ҳамда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик дифференциация қилиниши лозимлиги асосланган;

жиноят қонунига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш (ЖК 229¹-моддаси биринчи қисми)да ифодаланадиган қилмишларни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тўғрисида ўзгартириш киритиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ўтказиш давомида олинган илмий ва назарий хуносалар, жиноят қонунчилигини

такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Жиноят ҳукуқи фанида ишлаб чиқилган назарий билимларга, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига асослангани, шунингдек, илмий ишда келтирилган маълумотлар ишончлилиги расмий нашрларда чоп этилган, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга оид суд-тергов амалиётининг 2017-2024 йилларга оид статистик маълумотлар, мавзу доирасида ўтказилган анкета-сўровнома натижалари, илмий тадқиқот ва бошқа манбалардан қонуний фойдаланганлик билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хуросалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигига, қонунни қўллаш амалиётида, жиноят қонунининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Жиноят ҳуқуқи” фанининг илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигига намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят қонунини такомиллаштириш ҳамда қонунни қўллаш амалиётини ривожлантириш, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг самарали ва таъсирчан механизмларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишга бағишлиланган тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишда ифодаланадиган қилмиш учун жиноий жавобгарлик бегилашда ижтимоий хавфли оқибатга кўра дифференциация қилиниши лозимлиги, хусусан қилмиш натижасида кўп микдорда зарар етказилсагина жиноий жавобгарлик белгиланиши лозим”лиги тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасининг 285-модда (ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш)сини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Конунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг 2023 йил 11 октябрдаги 27/2-327-23-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қабул қилиниши ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишда ифодаланадиган қилмишни маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқлашнинг аниқ белгисини ажратиб кўрсатишига, шунингдек шахсни бу турдаги қилмишлар содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишда жиноят қонунининг одиллик принципининг намоён бўлишига хизмат қилган;

суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл

қўймаслик бўйича, жумладан ер участкасининг эгаллаб олинганлиги тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлигига оид таклифларидан 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сон Қонуннинг 2-моддаси биринчи хатбоши биринчи бандини ишлаб чиқища фойдаланилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 197¹-модда (суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик учун жиноий жавобгарлик белгилашга хизмат қилган;

суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда ифодаланадиган қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлигига оид таклифлари 2021 йил 16 августдаги ЎРҚ-708-сон Қонуннинг 2-моддаси иккинчи банди учинчи хатбошисини ишлаб чиқища фойдаланилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229¹-модда (ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш)сининг иккинчи қисмида акс этган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 29 октябрдаги 12/21-41-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олганликда ифодаланадиган қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган;

ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун ажратиш ҳақида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизими орқали амалга оширилиши ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун доимий фойдаланишга ажратиш ҳақида қарор қабул қилишнинг мажбурий шарти ҳисобланиши лозимлигига оид таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти”ни ишлаб чиқища фойдаланилган ҳамда мазкур Регламентнинг 4-боби, 30-бандида акс этган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 30 ноябрдаги 12/21-48-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон – “E-qaror” тизими орқали қарор қабул қилиниши ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун доимий фойдаланишга ажратиш ҳақида қарор қабул қилишнинг мажбурий шарти сифатида белгиланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган илмий

тадқиқот юзасидан олинган натижалар 6 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 3 та халқаро миқёсда ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги. Тадқиқот давомида олинган илмий хулосалар, таклифлар ва илмий-амалий тавсиялар жами 12 та илмий иш, жумладан 8 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) ва 4 та миллий ва халқаро конференцияларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, еттига параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмida тадқиқот мавзусининг долзарбилиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилингандиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг умумий тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари**” деб номланиб, муаллиф унда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тушунчasi ҳамда ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, Ўзбекистонда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликка оид қонун нормаларининг ривожланиш тарихига оид таҳлилларни амалга оширган.

Диссидентантнинг фикрича ерларни муҳофаза қилиш экологик, фуқаровий, маъмурий, жиноят ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ёрдамида таъминланади ва сўнгти йилларда мамлакатимизда ерлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини изчил такомиллаштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “ер, ер ости бойликлари умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда улар давлат муҳофазасида бўлиши”¹ кафолатланганлиги қайд этилган.

Юридик адабиётларда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. <https://lex.uz/docs/6445145>

соҳасидаги жиноятлар тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Диссертант ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларни куйидагича таснифлаган:

а) обьектига кўра: 1) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи жиноятлар (ЖК 196, 197, 197¹-моддалари); 2) ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига тажовуз қилувчи жиноятлар (ЖК 229¹, 229⁴, 229⁵ ва 229⁶-моддалари);

б) жиноят предметига кўра: 1) суғориладиган ерларни жиноят-хуқуқий муҳофаза остига оловчи жиноят таркиблари (ЖК 197¹-моддаси, 229¹-моддаси иккинчи қисми, 229⁴-моддаси иккинчи қисми “б” банди, 229⁶-моддаси); 2) барча тоифадаги ерларни ерларни жиноят-хуқуқий муҳофаза остига оловчи жиноят таркиблари (ЖК 196, 197, 229⁵-моддалари);

в) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: 1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар (ЖК 196, 197, 229¹, 229², 229³-моддалари, 197¹-моддаси биринчи қисми, 229⁴-моддаси биринчи қисми, 229⁵-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари); 2) унча оғир бўлмаган жиноятлар (ЖК 197¹-моддаси иккинчи қисми, 229⁴-моддаси иккинчи қисми, 229⁵-моддаси учинчи қисми, 229⁶-моддаси биринчи қисми); 3) оғир жиноятлар (ЖК 229⁵-моддаси тўртинчи қисми, 229⁶-моддаси иккинчи қисми);

г) жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши шарти сифатида маъмурий жавобгарлик талабининг белгиланишига кўра: 1) маъмурий преюдицияга эга ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар (ЖК 197¹, 229¹, 229², 229³, 229⁴, 229⁵-моддалари); 2) маъмурий преюдицияга эга бўлмаган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар (ЖК 196, 197, 229⁶-моддалари);

д) жиноят субъектига кўра: 1) умумий субъект; 2) маҳсус субъект – ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарабчи (ЖК 197¹-моддаси), ер участкасини олиб қўйиш бўйича қарор қабул қилувчи давлат органининг мансабдор шахси (ЖК 229⁵-моддаси), мансабдор шахс (229⁶-модда иккинчи қисми “т” банди);

е) позитив жавобгарлик белгиланишига кўра: 1) жавобгарликдан озод этиш шартлари белгиланган жиноят таркиблари (ЖК 197¹-моддаси); 2) жазони енгиллаштирувчи, шу жумладан, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони қўлламаслик кафолатларини назарда тутувчи жиноят таркиблари (ЖК 229¹ ва 229⁶-моддалари); 3) ижобий жавобгарлик назарда тутилмаган жиноят таркиблари (ЖК 196, 197, 229⁴ ва 229⁵-моддалари).

Тикланмайдиган табиий ресурслардан бири ер бўлиб, барча ер фонди 13,5 млрд. гектарга teng. Шундан 1,4 млрд. га маданий ерлар (экинзор, боғлар), 1,1. млрд. га ер ўсимлик ўстириш учун яроқсиз бўлиб қолган, 4,4 млрд. га ер чўл, чала чўл, Арктика, Антарктида, юқори тоифали чўллар майдони, 3,3 млрд.га, инсоннинг салбий фаолияти натижасида фойдали

ерларнинг 1 млрд. гектари чўлларга қўшилган¹.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44 млн. 892,4 минг гектардан 27,1 млн. гектари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бўлса, 12,6 млн. гектари ўрмон фонди, 9,6 минг гектари захира ерлари улушкига тўғри келади”². Шу билан бирга, “республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошقا тоифага ўтказилиши ва глобал иклим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охирги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача) қисқарганлиги³ қайд этилган.

Диссертант тадқиқ этилаётган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий заруратини қуидагилар билан изоҳлаган.

– ер чекланган табиий ресурс бўлиб, унинг лозим даражада муҳофаза остига олинмаслиги ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги;

– узлуксиз кучайиб бораётган урбанизация ва шаҳарларнинг кенгайиши жараёнлари ҳам ерларни муҳофаза қилишнинг ижтимоий заруратини тұғдираётганлиги;

– ерларни жиноят-хуқуқий муҳофаза қилишнинг ижтимоий зарурати предмети сифатида ерларнинг ҳам ўта муҳим иқтисодий, ҳам ноёб табиий ресурс сифатида жамият ва табиатда муҳим ўрин тутиши;

– ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларнинг динамикаси, сўнгги йилларда мазкур жиноятлар сонининг ортганлиги.

Диссертацияда ўрганилаётган жиноятлар учун жавобгарликка оид қонун нормаларининг ривожланиш тарихи қуидагича даврлаштирилган:

1-босқич – қадимги даврда ерларни жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш.

2-босқич – ўрта асрларда ерларни жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш.

3-босқич – Чор Россияси мустамлакаси даврида ерларни жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш.

4-босқич – Собиқ Иттифоқ ҳукмронлиги даврида ерларни жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш.

5-босқич – мустақиллик даврида ерларни жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш.

6-босқич – янги Ўзбекистон шароитида ерларни жиноят-хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш.

Шунингдек, ушбу боб доирасида ўтказилган тадқиқот натижасида “ерлардан фойдаланиш” “ерларни муҳофаза қилиш”, “ерлардан фойдаланиш

¹ Эргашев А.Э., Шералиев А.Ш., Сувонов Х.А., Эргашев Т.А. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 9.

² Статистик маълумотлар//Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. Кадастр агентлиги. 2022. – Б.6.

³ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

Ишнинг иккинчи боби эса “Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятларнинг юридик таҳлили”га бағишлиланаган, муаллиф мазкур бобда унда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятлар объектив ҳамда субектив белгиларини назарий-хуқуқий таҳлил қилган.

Диссертант ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг **умумий** (шахс, унинг хуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк ва табиий мұхит, шу жумладан, ер ресурсларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар), **максус** (экология соҳасидаги (ЖК 196, 197 ва 197¹-моддалари) ҳамда ҳокимият, бошқарув органларининг фаолият тартибига (ЖК 229¹, 229⁴, 229⁵ ва 229⁶-моддалари) оид ижтимоий муносабатлар), **турдош объекті** (атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги (ЖК 196, 197 ва 197¹-моддалари) ҳамда бошқарув тартибига (ЖК 229¹, 229⁴, 229⁵ ва 229⁶-моддалари) оид ижтимоий муносабатлар)ни аниқлаштирган.

Суд-тергов амалиёти хужжатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, 2019-2020 йилларда республика бўйича 32 216 та ҳолатда жами 9 012 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланган ҳамда 4 6212 та ҳолатда 3 500 гектар ер майдонида ноқонуний қурилиш ишлари амалга оширилган¹.

Диссертант фикрича куйидагилар ердан фойдаланиш ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш натижасида келиб чиққан оғир оқибатларга мисол бўла олади: тоғ-кон ишлаб чиқаришининг атроф-мухитга зарарли таъсири орқали одамларнинг касалланиши; ер унумдорлигининг пасайиши; ер устидаги сатҳнинг ишдан чиқиши; ернинг балл бонитети кескин тушиб кетиши ва бошқалар.

Шунингдек, қуйидаги ҳолларда ер участкасини олиб қўйиш қонуний саналади: ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида; ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда; ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуllар билан фойдаланилган тақдирда; қонунчиликда белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда; қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида; мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Аграп ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонун хужжатлари ижроси устидан назорат бошқармаси маълумоти.

ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида; ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса – гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида.

Тадқиқ этилаётган жиноятларнинг субъектив томони мазмуни амалдаги Жиноят кодекси 23-моддаси билан белгиланган мураккаб шаклийи айб, яъни табиятни асрашга нисбатан айбнинг шакли ҳам қасд, ҳам эҳтиётизлиқда, келиб чиқсан оқибатга эса айбнинг шакли фақат эҳтиётизлиқ билан ифодаланади.

Диссертант ЖК 197¹-моддасининг учинчи қисмидаги рағбатлантирувчи нормани мақсадга мувоиф эмас, деб ҳисоблаган. Бу норма билан шахсни ўзбошимчалик жиноятини содир этишга ундашини, яъни, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа жавобгарлиқдан озод этилиши белгиланганлигини таъкидлаган. Диссертантга кўра, мазкур рағбатлантириш нормасини қайта кўриб чиқиш лозим. Негаки, Жиноят кодекси 197¹-моддасида (сугориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик) назарда тутилган жиноятни содир этиб, яъни ваколатли органларни хабардор этмасдан туриб унинг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминлаши амалдаги жиноят қонунининг 229-моддаси таркибини ташкил қиласди.

Шунингдек, ЖК 229⁴-моддаси (ер бериш тартибини бузиш)да ер бериш мансабдор шахс ваколати бўлганлиги сабабли мазкур жиноят учун субъект ёшини 18 ёш этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу каби қарашни диссертант ЖК 229⁵-моддасида назарда тутилган субъектга нисбатан татбиқ этиш лозим, деб ҳисоблади.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний хуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш (ЖК 229¹-модданинг биринчи қисми) жиноятини содир этган шахс ўз айбига икрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарлиқдан озод этилиши мумкинлигига оид қоиданинг киритилиши мақсадга мувофиқ, деган холосага келинган.

“Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар: квалификация қилиш ва жазо тайинлаш, хорижий тажриба ва жиноят қонунини тақомиллаштириш масалалари” деб номланган учинчи бобда диссертант томонидан ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари, ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартлар ва айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили келтирилган.

Диссертант ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларига кўра куйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларини фарқлаган: *a) объектив белгиларига кўра:* ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса; такроран содир этилса; ерларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса; ерларга жуда кўп

миқдорда заар етказилишига сабаб бўлса; суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлса; шундай ҳаракатлар кўпчилик учун хавфли бўлган усулда содир этилган бўлса; шундай ҳаракатлар жуда кўп миқдорда заар етказган ҳолда содир этилган бўлса; *субъектив белгиларига кўра*: хавфли рецидивист томонидан содир этилса; ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилса; хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган бўлса; бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса; уюшган гурӯҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳолда.

Жиноят қонунининг суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик (ЖК 197¹-модда)да ифодаланадиган нормасига мувофиқ ижтимоий хавфли қилмиш жиноий ҳаракатсизлик – пассив жиноий хулқ-атвортда ифодаланади.

Диссертантнинг фикрича мазкур нормадаги рағбатлантирувчи нормани қўллашга куйидагиларга кўра келишиб бўлмайди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ти қарорининг 18-бандига кўра ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш деганда – қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли ваколатли органнинг қарорисиз, ер участкаси чегараси жойида белгиланмасдан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилмасдан ҳамда ер участкаларига бўлган хуқук давлат рўйхатига олинмасдан ер участкаларини эгаллаб олиниши тушунилади.

Иккинчидан, мазкур Пленум қарорининг айни шу бандида Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 91-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, давлат ҳисобидаги ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганида, уни қайтариб олиш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига кўра, юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганида уни ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкасининг мулкдорига қайтариш суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилиши белгиланган¹. Яъни, бу ўринда суд ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганида уни эгаси (фойдаланувчи, ижарачи)га қайтаришнинг икки турини фарқлаган:

1) давлат ҳисобидаги ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганида, уни қайтариб олиш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига кўра;

2) юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганида уни ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкасининг мулкдорига қайтариш суднинг ҳал қилув қарорига кўра.

Шунга кўра биринчи марта суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаган шахс, агар у

¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ти карори. <https://lex.uz/acts/1455984#1457866>

ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминлаши ёки ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилиши уни жавобгарликдан озод этишга эмас, балки унинг ўзбошимчалик учун жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Диссертант ер тўғрисидаги қонунчиликни бузишда ифодаланадиган жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш ва уларга нисбатан адолатли жазо тайинланиши, мазкур масалада жиноят қонунини қўллаш амалиётини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузишга оид ишлар бўйича суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ, деган хulosага келган.

Диссертантнинг қайд этишича ер бериш тартибини бузиш (229⁴-модда) ҳамда ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш (229⁵-модда) да ифодаланадиган ижтимоий хавфли қилмишлар моҳиятан мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш сифатида қаралиши ҳам мумкин. Бу ерда қилмишни квалификация қилишда нормалар рақобати вужудга келади. Шу нуқтаи назардан таҳлил этилаётган нормалар диспозициясида маҳсус субъект белгиси тўғридан-тўғри кўрсатилмаган жиноят таркибларида жиноят субъекти қуидаги маҳсус белгиларга эга, деган хulosага келинган: ер бериш тартибини бузиш (229⁴-модда); ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш.

Суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган хуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равищда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш ўзбошимчалик жиноятига жуда яқин, шунингдек мазкур жиноятлар турдош обьектли жиноятлар саналади. Зоро, ўзбошимчаликнинг асосий бевосита обьекти фуқароларнинг ўз хуқуқларини қонунда белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган – жарима, муайян хуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазолар қўллаш билан таҳдид қилган.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар ичида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш (ЖК 229¹-модда), ер бериш тартибини бузиш (ЖК 229⁴-модда) ҳамда ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш (ЖК 229⁵-модда), суғориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган хуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равищда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш (ЖК 229⁶-модда) жиноятлари бўйича ишлар судда нисбатан кўп кўрилганлигини кўрсатади.

Диссертант ўрганилаётган жиноятлар учун суд хукми билан тайинланган жазоларни таҳлил қилиб, жами тайинланган жиноий жазоларнинг 17,3 % ёки 154 таси жарима, 0,1%и ёки 1 таси муайян хуқуқдан маҳрум қилиш, 18,3%и ёки 163 таси ахлоқ тузатиш ишлари, 59%и ёки 524 таси озодликни чеклаш, 5,1%и ёки 46 таси озодликдан маҳрум қилиш

жазоларига тўғри келишини¹, судлар томонидан асосан озодликни чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ва жарима тариқасидаги жиноий жазолар тайинланаётганлигини аниқлаган.

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритганда яна бир жиҳатга эътибор қаратилган. Жумладан, ЖК 197¹-моддаси диспозициясида айбдор – ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаганлиги жиноий жазога сазовор қилмиш сифатида кўрсатилган. Моҳиятан ҳар иккала қилмиш, яъни атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик (ЖК 195-моддаси) ҳамда суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлик (ЖК 197¹-модда) ҳаракатсизлик билан содир этилади. ЖК 195-моддаси диспозицияси моддий таркибли (яъни жиноий жавобгарлик келиб чиқиши учун одамларнинг оммавий равища касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар, шунингдек одам ўлишига сабаб бўлиши лозим), ЖК 197¹-модда диспозицияси эса формал таркибли, яъни шахсни жавобгарликка тортиш учун юқоридаги каби бирор бир оқибат юз бериши талаб этилмайди. Бироқ, қонун чиқарувчи ЖК 195-моддасига биноан атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаганлик учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланишини белгилаган бўлса, ЖК 197¹-моддасида назарда тутилганидек ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича чоралар кўрмаганлиги учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишини мустаҳкамлаган. Агар шахс ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олса (ЖК 229¹-модда) бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Борди-ю, суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаса (ЖК 197¹-модда) уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тадқиқот давомида ўтказилган аноним сўровномада иштирок этган ҲМҚО ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилар “Сизнингча ЖК 197¹-моддаси (суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик)нинг декриминализация қилиниши мақсадга мувофиқми?”, деган саволга респондентларнинг 50 % – йўқ, ушбу норма ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишининг олдини олиш учун маҳсус киритилган; 32,6 % – ха, ушбу нормада гўёки ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачига суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик мажбурияти юклатилмоқда; шунингдек, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи ерларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 17 октябрдаги №07/14-15746-364-сонли хати

